

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ ХУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**

КАРАБЕКОВ ОТАБЕК ГУЛМУРОТОВИЧ

**ГИДРОМОРФ ТУПРОҚЛАРНИНГ ГУМУСЛИ ҲОЛАТИ,
КИМЁВИЙ, ФИЗИК–КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ ВА УНУМДОРЛИГИ
(ТОШКЕНТ ВА МИРЗАЧЎЛ ВОҲАЛАРИ МИСОЛИДА)**

03.00.13 – «Тупроқшунослик»

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

**Биология фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
биологическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of philosophy (PhD) of
biological science**

Карабеков Отабек Гулмуротович

Гидроморф тупроқларнинг гумусли ҳолати, кимёвий, физик–кимёвий
хоссалари ва унумдорлиги (Тошкент ва Мирзачўл воҳалари мисолида).....3

Карабеков Отабек Гулмуротович

Гумусное состояние, химические, физико–химические свойства и
плодородие гидроморфных почв (на примере Ташкентского и
Мирзачульского оазисов) 21

Karabekov Otabek Gulmurotovich

Humus condition, chemical, physical–chemical charecteristics and fertility of
hydromorphic soils (on the example of Tashkent and Mirzachul oasis)41

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works45

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

**ТУПРОҚШУНОСЛИК ВА АГРОКИМЁВИЙ ТАДҚИҚОТЛАР
ИНСТИТУТИ**

КАРАБЕКОВ ОТАБЕК ГУЛМУРОТОВИЧ

**ГИДРОМОРФ ТУПРОҚЛАРНИНГ ГУМУСЛИ ҲОЛАТИ, КИМЁВИЙ, ФИЗИК–
КИМЁВИЙ ХОССАЛАРИ ВА УНУМДОРЛИГИ (ТОШКЕНТ ВА МИРЗАЧЎЛ
ВОҲАЛАРИ МИСОЛИДА)**

03.00.13 – «Тупроқшунослик»

**БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Тошкент – 2022

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси **Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси хузуридаги Олий аттестация комиссиясида № В2017.3.PhD/В127 рақам билан рўйхатга олинган.**

Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси **Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтида** бажарилган.

Фалсафа доктори (PhD) диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) **Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти хузуридаги илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш веб-саҳифасида (www.soil.uz) ва «ZiyoNet» Ахборот-таълим порталида (www.ziynet.uz) жойлаштирилган.**

Илмий раҳбар:

Тошқўзиев Маруф Мансурович
биология фанлари доктори, профессор

Расмий оппонентлар:

Раунова Нодира Бахрамовна
биология фанлари доктори, доцент
Тошкент давлат аграр университети

Фахрулдинова Машкура Фазлигдиновна
биология фанлари номзоди, доцент
Ўзбекистон Миллий университети

Етакчи ташкилот:

Гулистон давлат университети

Диссертация ҳимояси **Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти хузуридаги DSc.25/30.12.2019.Qx/B.43.01** рақамли Илмий Кенгашнинг 2022 йил «14» 12 соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ТАТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84, факс: (99871) 150-61-37, e-mail: info@soil.uz

Диссертация билан **Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институтининг Ахборот-ресурс марказида** танишиш мумкин (68 рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 111202, Тошкент вилояти, Қибрай тумани, Ботаника МФЙ, ЎзПИТИ кўчаси, ТАТИ. Тел.: (+99878) 150-62-84; факс: (99871) 150-61-37;

Диссертацияси автореферати 2022 йил «28» 11 кун тарқатилди.

(2022 йил «28» 11 даги № 9 -рақамли реестр баённомаси)



Ш.М.Бобомуродов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
раиси, б.ф.д., катта илмий ходим

Ж.М.Қўзиев

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
илмий котиби, к.х.ф.ф.д., катта илмий
ходим

Н.Ю.Абдурахмонов

Илмий даражалар берувчи илмий кенгаш
қошидаги илмий семинар раиси, б.ф.д.,
профессор

КИРИШ (Фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Бугунги кунда «қишлоқ хўжалигини интенсив ривожлантириш билан боғлиқ ҳолда кўпгина омиллар шуни кўрсатадики, ерларни деградацияга учраш даражаси ва кўлами ортиб бормоқда, бунда тупроқлар эрозияга учрайди, озика моддалари захираси камаяди ва шўрланиш ортади. Антропоген деградацияга қишлоқ хўжалиги ерларининг 34 фоизи (1 660 млн.га) учраган. Мавжуд ҳайдаладиган ерларда уларга ишлов бериш ва жадаллаштириш имкониятлари тупроқлар эрозияси сабабли ва углерод, озика моддалари захираси ҳамда тупроқ биохилма–хиллигини камайиши туфайли чекланган»¹. Шу сабабли қишлоқ хўжалигида жадал юритилаётган деҳқончилик тизимида гидроморф тупроқларининг органик моддаси таркиби, кимёвий, физик–кимёвий хоссаларини тадқиқ қилиш орқали тупроқ унумдорлигини сақлаш ҳамда оширишни илмий асослаш долзарб вазифалардан ҳисобланади.

Дунёда тупроқ унумдорлигини сақлаш, қайта тиклаш, ошириш ҳамда ер ресурсларидан самарали фойдаланиш, ҳозирги шароитда гидроморф тупроқларни гумусли ҳолати, кимёвий, физик–кимёвий ва мелиоратив ҳолати бўйича бир қатор устувор йўналишларда илмий тадқиқотлар олиб борилмоқда. Бу борада, деҳқончилик тизимида тупроқ–иклим шароитини, тупроқларнинг хосса-хусусиятларини, уларда органик моддалар таркибини, гумусли ҳолатини ҳисобга олган ҳолда унумдорлик даражасини белгилашга қаратилган илмий-тадқиқот изланишларига алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Республикамизнинг турли табиий–экологик минтақаларида гидроморф шароитидаги тупроқларнинг хосса–хусусиятларини чуқур таҳлил қилиш асосида улар унумдорлигини ва қишлоқ хўжалиги экинлари ҳосилдорлигини оширишга қаратилган илмий–тадқиқот ишлари олиб борилиб, муайян натижаларга эришилмоқда. Ўзбекистон Республикасини ривожлантиришнинг 2017-2021 йилларга мўлжалланган Ҳаракатлар стратегиясида «...қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришни муттасил ривожлантириш, мамлакат озик-овқат хавфсизлигини янада мустаҳкамлаш, экологик тоза маҳсулот ишлаб чиқаришни кенгайтириш, экин майдонларини янада мақбуллаштириш, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, ресурсларни тежайдиган замонавий агротехнологияларни жорий этиш»² бўйича муҳим вазифалар белгилаб берилган. Шунинг учун ҳам республикамизда суғориладиган гидроморф тупроқларнинг унумдорлигини сақлаш, тиклаш, дегумификация жараёнларини олдини олиш, уларнинг органик моддаси таркиби, гумусли ҳолатини аниқлаш ҳамда шу хоссалари бўйича кечаётган эволюцион ўзгаришларни таққослаш ва башорат қилиш, экологик–мелиоратив ҳолатини яхшилаш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 17 июндаги ПФ–5742–сон «Қишлоқ хўжалигида ер ва сув ресурсларидан самарали

¹www.fao.org

²Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 7 февралдаги ПФ–4947–сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришга мўлжалланган стратегияси тўғрисида»ги Фармони

фойдаланиш чора–тадбирлари тўғрисида»ги ва 2019 йил 23 октябрдаги ПФ–5883–сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020–2030 йилларга мўлжалланган стратегиясини тасдиқлаш тўғрисида»ги Фармонлари ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъерий–ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация тадқиқоти муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот республика фан ва технологиялари ривожланишининг V. «Қишлоқ хўжалиги, биотехнология, экология ва атроф–муҳит муҳофазаси» устувор йўналиши доирасида бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Тупроқларнинг кимёвий, физик–кимёвий хоссалари, гумуси, унинг фракцияли–гуруҳий таркиби, тарқалиши қонуниятлари бўйича илмий тадқиқотлар чет эллик олимлардан Ф.Ю.Гельцер, П.Н.Костичев, Н.П.Ремезев, А.Н.Розанов, М.М.Кононова, Е.П.Лагуновалар ҳамда республикамиз олимларидан П.Н.Беседин, С.Н.Рыжов, Н.П.Муравьева ва З.Б.Селитренникова, В.В.Валиев, В.Н.Ли, М.М.Тошқўзиев, И.А.Зиямухамедов, Д.Г.Махмудова, Д.С.Таирбаева, Н.Ким, Н.Р.Шарафутдинова, Р.Қўзиев, Д.Л.Атабекова, Н.Ю.Абдурахмонов, Н.Б.Раупова, Г.С.Мирхайдарова, М.Ф.Фахрутдинова, Н.И.Шадиева ва бошқалар томонидан олиб борилган. Лекин, бу тадқиқотларда суғориладиган гидроморф тупроқларнинг гумус таркиби, гумусли ҳолати, кимёвий ва физик–кимёвий хоссалари бўйича илмий тадқиқотлар етарлича олиб борилмаган.

Диссертация тадқиқотининг диссертация бажарилган илмий–тадқиқот муассасасининг илмий–тадқиқот режалари билан боғлиқлиги. Диссертация тадқиқоти Тупроқшунослик ва агрокимёвий тадқиқотлар институти илмий тадқиқот ишлари режасининг БВ–А–КХ–2018–238 «Тошкент воҳаси тупроқларининг кимёвий, физик–кимёвий хоссаларини мақбуллаштириш, тупроқ унумдорлигини оширишда биологик деҳқончилик юритишнинг самарали агротехнологияларини ишлаб чиқиш» (2018–2020 йй.) мавзусидаги амалий лойиҳаси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Тошкент ва Мирзачўл воҳаларида тарқалган гидроморф тупроқларини генезиси, литологияси – геоморфологиясини тип, типчаларини ҳисобга олиб, уларнинг кимёвий, физик–кимёвий хоссаларини ҳамда органик моддаси таркиби, гумусли ҳолатини аниқлаш орқали унумдорлигини асослашдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

турли шароитда ва минтақаларда ривожланган гидроморф тупроқларнинг морфологик, морфогенетик хусусиятларини ўрганиш;

ҳар хил гидрологик режимда шаклланган суғориладиган гидроморф тупроқларнинг кимёвий, физик–кимёвий, физик хоссаларини, мелиоратив ҳолатини аниқлаш;

турли геоморфологик районларда тарқалган суғориладиган гидроморф

тупроқларни гумус миқдори, захираси, гумусни фракцияли–гуруҳий таркибини ва гумусли ҳолатини аниқлаш;

суғориладиган гидроморф тупроқларнинг айрим хосса–хусусиятлари билан гумус миқдори орасидаги корреляцион боғлиқликларни аниқлаш;

суғориладиган гидроморф тупроқларда органик моддаларга доир олинган натижаларни аввалги йиллардаги тадқиқотлар билан таққослаш асосида улардаги ўзгаришларни аниқлаш ва башорат қилиш;

танлаб олинган массивларда тарқалган гидроморф тупроқларнинг унумдорлик даражасини белгилашда 1:10000 масштабли гумус захираси, тупроқ ва тупроқ сифатини баҳолаш хариталари ҳамда 1:5000 масштабли гумус типи ва гумус миқдори, ҳаракатчан фосфор ва калий билан таъминланганлик картограммаларини тузиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Тошкент ва Мирзачўл воҳалари типик ва оч тусли бўз тупроқлар минтақасида тарқалган суғориладиган гидроморф тупроқлар танланган.

Тадқиқотнинг предмети тупроқларнинг кимёвий, физик–кимёвий хоссалари – гумуснинг фракцияли–гуруҳий таркиби, гумус типи, захираси, гумусли ҳолати, картограммалар, тупроқ унумдорлиги, тупроқ ва тупроқ баҳолаш хариталари ҳисобланади.

Тадқиқотнинг усуллари. Тадқиқотлар тупроқшуносликда умумқабул қилинган стандарт услублар бўйича амалга оширилган. Изланишларда генетик–географик, литологик–геоморфологик, солиштирма – кимёвий–аналитик ҳамда профил усулларида фойдаланилган. Гумусни фракцияли–гуруҳий таркиби – И.В.Тюрин усули, В.В.Пономорёва, Т.А.Плотникова модификацияси бўйича; тупроқларни гумусли ҳолати М.М.Тошқўзиев услубий кўрсатмаси бўйича; сингдириш сифими, сингдирилган катионлар таркиби – Пфеффер усулида амалга оширилган. Тадқиқот натижаларини дисперсион–статистик таҳлилари «Microsoft Excel» дастурида, математик–статистик таҳлилари Б.А.Доспехов қўлланмаси асосида бажарилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

Тошкент ва Мирзачўл воҳалари ҳар хил гидротермик режимда шаклланган гидроморф тупроқларни гумус миқдори, гумус таркибига доир кенг қамровли маълумотларни умумлаштириш ҳамда тупроқ унумдорлиги даражасини таснифлаш имкониятини берадиган гумус захираси харитаси ва гумус типи картограммасини тузиш зарурияти илмий жиҳатдан асосланган;

воҳаларни турли геоморфологик районларида тарқалган суғориладиган гидроморф тупроқларнинг гумусли ҳолати, гумус захираси, гумуснинг таркиби унумдорлигига боғлиқлиги аниқланган ва бунда гумусли ҳолати кўрсаткичлари юқори ($C_{ум}$ захираси 60–80 т/га, 80–120 т/га; $C_{гк}:C_{фк}$ 1,0–1,5) бўлган тупроқлар алоҳида гуруҳларга ажратилган;

суғориладиган гидроморф тупроқларнинг сингдириш сифими билан механик таркибидаги ил ва физик лой фракцияларини гумус миқдорига корреляцион боғлиқлиги ($r=0,520-0,972$ ва $r=0,676-0,826$) аниқланган.

гидроморф режимидаги ҳар бир тупроқ типи, типчаларида гумуснинг

фракцияли-гуруҳий таркиби бўйича фарқланишлар (ботқоқ–ўтлоқи ва ўтлоқи аллювиал тупроқларда мос равишда Сгк миқдори 19,3–37,0% ва 18,5–30,0% ҳамда Сгк:Сфк миқдори 0,7–1,2 ва 0,6–1,1) аниқланган;

олинган маълумотлар аввалги ишлар билан таққослаганда суғориладиган гидроморф тупроқлардаги органик моддалар миқдори ўзгарганлиги (40 йилда ва 1 йилда ўтлоқи аллювиал тупроқларда 0–30 см 23,49 ва 0,587 т/га; 0–100 см 28,41 ва 0,710 т/га ҳамда ботқоқ–ўтлоқи тупроқларда 44,74 ва 1,119 т/га; 14,57 ва 0,364 т/га камайган) аниқланган ва келгуси учун башорат қилинган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

гидроморф тупроқларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, тупроқ унумдорлигини сақлаш ва агротадбирларни ишлаб чиқиш мақсадида таянч массивлари учун 1:10000 масштабли тупроқ хариталари тузилган;

тупроқларнинг хосса–хусусиятлари ва гумусли ҳолатини ҳисобга олган ҳолда таянч массивлари суғориладиган тупроқларини 1:10000 масштабли гумус захираси, тупроқ сифатини баҳолаш хариталари тузилган;

суғориладиган гидроморф тупроқларнинг 1:5000 масштабли гумус типи ва миқдори, ҳаракатчан фосфор ва калий билан таъминланганлик даражасини акс эттирувчи картограммалари ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончлилиги. Тадқиқотларда олинган маълумотлар дисперсион–статистик таҳлил қилинганлиги, назарий ва амалий натижаларнинг бир–бирига мос келиши, натижалар амалиётга жорий қилинганлиги, олинган натижа ва хулосалар асосланганлиги, натижаларнинг халқаро ва республика илмий анжуманларда муҳокама қилинганлиги, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссияси томонидан тавсия этилган илмий нашрларда чоп этилганлиги натижаларнинг ишончлилигини кўрсатади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларнинг илмий аҳамияти Тошкент ва Мирзачўл воҳаларида шаклланган гидроморф тупроқларнинг унумдорлигини белгилашда гумуснинг фракцияли–гуруҳий таркиби, гумусли ҳолати аниқланганлиги, ушбу маълумотлар асосида алоҳида массивлар учун гумус захираси харитаси, гумус типи картограммасини тузиш заруриятини илмий томонлари исботланганлиги, тупроқнинг гумус миқдори билан сингдириш сифими ва сингдирилган катионлар таркиби ҳамда механик таркиби фракциялари – ил ва физик лой орасида корреляцион боғлиқлик борлиги аниқланганлиги, олинган маълумотлар аввалги йиллар тадқиқотлари билан таққосланганлиги ҳамда ҳудуд суғориладиган гидроморф тупроқларидаги органик моддалар миқдорини ўзгаришлари илмий жиҳатдан асосланганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқотлар натижаларнинг амалий аҳамияти шундан иборатки, ҳудудлар учун тузилган 1:10000 масштабли гумус захираси, тупроқ ва тупроқ сифатини баҳолаш харитаси ҳамда 1:5000 масштабли гумус типи ва миқдори, ҳаракатчан фосфор ва калий билан таъминланганлик картограммалар асосида тупроқ унумдорлигини сақлаш ва қайта тиклаш, қишлоқ хўжалик

экинларини тўғри жойлаштириш, агротехник тадбирларни ишлаб чиқиш, минерал ва органик ўғитларни тўғри ва самарали қўллашга хизмат қилади.

Тадқиқот натижаларнинг жорий қилиниши. Гидроморф тупроқларнинг гумусли ҳолати, кимёвий, физик–кимёвий хоссалари ва унумдорлиги бўйича олинган илмий натижалар асосида:

Бўка тумани Ғ.Азаматов номли массивининг 1849,1 гектар суғориладиган ерларини 1:10000 масштабли тупроқ сифатини баҳолаш харитаси тузилган ва массив ҳудудидаги фермер хўжаликларида амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 1 ноябрдаги 02/022–4441–сон маълумотномаси). Натижада, массивдаги тупроқларнинг хосса–хусусиятлари ва унумдорлик даражасига қараб ерларни меъёрий қийматини ҳисоблаш ва ягона ер солиғини белгилаш, ерларни ноқишлоқ хўжалик мақсадлари учун ажратишда илмий асос бўлиб хизмат қилган;

Сирдарё вилояти Сайхунобод тумани «Ўзбекистон» массивидаги «DAN Poly Tex» фермер хўжалигининг 665,0 га суғориладиган ерларини 1:5000 масштабли тупроқ харитаси тузилган ва фермер хўжалигида амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 1 ноябрдаги 02/022–4441–сон маълумотномаси). Натижада, тупроқларнинг мелиоратив ҳолати яхшиланган, тупроқ унумдорлигини қайта тиклаш ва сақлаш ҳамда ер ресурсларини бошқариш бўйича агротадбирларни белгилаш имконини берган;

«DAN Poly Tex» фермер хўжалиги ерларининг 1:5000 масштабли гумус, ҳаракатчан фосфор ва калий элементлари билан таъминланганлик картограммалари тузилган ва ҳудуднинг 665,0 гектар майдонида амалиётга жорий қилинган (Қишлоқ хўжалиги вазирлигининг 2021 йил 1 ноябрдаги 02/022–4441–сон маълумотномаси). Натижада, картограмма маълумотлари асосида қишлоқ хўжалик экинларини тўғри жойлаштириш, агротехнологик тадбирларни ишлаб чиқиш, минерал ва органик ўғитлардан тўғри ва самарали фойдаланиш имконини берган.

Тадқиқот натижаларнинг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари жами 7 та, жумладан, 3 та халқаро ва 4 та республика илмий–амалий анжуманларида муҳокамадан ўтказилган.

Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 12 та илмий иш чоп этилган, шулардан, Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг диссертациялар асосий натижаларини чоп этишга тавсия этилган илмий нашрларда 5 та мақола, жумладан, 4 таси республика ва 1 таси хорижий журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг тузилиш ва ҳажми. Диссертация таркиби кириш, тўртта боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг ҳажми 120 бетни ташкил этган.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида олиб борилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурияти асосланган. Тадқиқотнинг мақсади, вазифалари, объекти ва

предметлари тавсифланган, Ўзбекистон Республикаси фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, натижаларнинг назарий ва амалий аҳамияти очиб берилган, тадқиқот натижаларининг амалиётга жорий қилиниши, нашр этилган ишлар ва диссертациянинг тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг **«Республика гидроморф ҳамда асосий тупроқлари органик моддаси, гумусли ҳолати, кимёвий ва физик-кимёвий хоссаларининг ўрганилганлик ҳолати (Адабиётлар шарҳи)»** деб номланган биринчи боби икки қисмдан иборат бўлиб, биринчи қисми *«Тупроқларда гумус миқдори, хоссалари, ҳосил бўлиши, кимёвий, физик-кимёвий хоссаларига доир изланишлар»* деб номланган, унда мавзу бўйича олиб борилган тадқиқотлар натижалари хорижий ва маҳаллий адабиётлар таҳлили келтирилган.

Ушбу бобнинг иккинчи қисми *«Тошкент ва Мирзачўл ҳудуди доирасида бажарилган изланишлар таҳлили»* деб номланган бўлиб, унда Тошкент ва Мирзачўл воҳаси бўйича ўтган ва сўнгги йилларда олиб борилган илмий изланишлар тўғрисида адабиётлар таҳлиллари ёртилган.

Изланиш натижалари таҳлилларига кўра, республикамиз миқёсида гидроморф тупроқлар бўйича гумусли ҳолати, заҳираси, унинг фракцияли–гуруҳий таркиби, физик–кимёвий хоссаларига доир маълумотлар ҳамда турли тупроқ–иқлим шароитида шаклланган гидроморф тупроқларни хосса–хусусиятлари етарли даражада ўрганилмаганлиги, уни тадқиқ қилиш муҳимлиги ва зарурияти тўғрисида хулосалар келтирилган.

Диссертациянинг **«Тадқиқот ҳудудининг тупроқ пайдо қилувчи табиий–иқлимий шароитлари, объекти ва қўлланилган услублари»** деб номланган иккинчи бобида ўрганилган ҳудудларни географик ўрни, иқлими, геологик–геоморфологик тузилиши, рельефи, инсон омилининг таъсири, тупроқлари, тадқиқотлар объекти, услублари тўғрисида маълумотлар келтирилган.

Тошкент воҳасини тоғолди, тоғости ҳудудлари делювиал, пролювиал, аллювиал–пролювиал, катта ҳудудларда лёсс ва лёссимон жинслардан ҳосил бўлган, ўзларининг хосса–хусусиятлари, экологик–мелиоратив ҳолати ва эрозияланиш даражасига кўра бир–биридан фарқ қилади.

Ясси пролювиал–аллювиал текислик Мирзачўлнинг марказий қисмига хос, жанубидаги ёйилмалари билан шимолда ўзансимон ботиқлар орасида жойлашган. Қияроқ берк ўзансимон ботиқлар – Еттисой, Сардоба ва Қорақарой Мирзачўлнинг марказий қисмида жойлашган ва Арнасой томон йўналган. Текислик қисми Сирдарёнинг III террасасида, тўлқинсимон террасалашган текисликлар куйи I ва II террасаларни эгаллайди.

Тадқиқот объекти сифатида Тошкент ва Мирзачўл воҳалари типик ва оч тусли бўз тупроқлар минтақаларида тарқалган суғориладиган гидроморф тупроқларнинг асосий тип, типчалари ва айирмалари ҳисобланади. Бунда, Тошкент, Сирдарё ва Жиззах вилоятларида турли геоморфологик

районларидаги тўқай–аллювиал, ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи, ботқоқ–ўтлоқи, ўтлоқи–ботқоқ тупроқлардан ташкил топган. Тадқиқотлар тупроқшуносликда умумқабул қилинган стандарт услублар бўйича амалга оширилган. Изланишларда генетик-географик, литологик-геоморфологик, солиштирма-кимёвий-аналитик ҳамда профил усулларида фойдаланилган.

Диссертациянинг «**Тадқиқ этилган тупроқлар, уларнинг морфологияси, морфогенетик хусусиятлари, асосий физик хоссалари ва мелиоратив ҳолати**» деб номланган учинчи бобида гидроморф тупроқлар морфологияси ва морфогенетик хусусиятлари, механик таркиби, умумий физик хоссаларини тупроқ унумдорлиги ва гумус шаклланишдаги аҳамияти, уларни унумдорликдаги ўрни тўғрисидаги маълумотлар ёритилган.

Бобнинг «*Гидроморф тупроқлар морфологияси ва морфогенетик хусусиятлари*» бўлимида воҳалар бўйича суғориладиган тўқай–ўтлоқи аллювиал, ўтлоқи–ботқоқ, ботқоқ–ўтлоқи, янгидан ва эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал ва ўтлоқи тупроқларни морфологик белгилари ва морфогенетик хусусиятларига доир изланишлар натижалари келтирилган.


Ўрганилган гидроморф тупроқлар морфологик белгиларига доир таснифлардан кўринадикки, бу тупроқларнинг асосий белгиларидан ранги бўлиб, асосан, тупроқларни юқори қатламлари кулранг ва тўқ кулрангда бўлиши, кейинги генетик қатламларда сизот сувлар сатҳи яқинлигидан юқорига ҳаракатланган капилляр томирсимон сув йўллари ҳамда унинг таъсирида оксидланиш–қайтарилиш жараёнлари натижасида зангсимон доғлари мавжудлиги гидроморф тупроқларга хос бўлган морфологик белгиларидан ҳисобланади ва уни ўзида намоён қилади.

Ушбу бобнинг «*Тупроқларнинг механик таркиби, уларни тупроқ унумдорлиги ва гумус моддаси шаклланишидаги аҳамияти*» бўлимида ҳар иккала воҳада тарқалган гидроморф тупроқларни тупроқ ҳосил қилувчи она жинси, дарё террасалари ва суғориш даврийлигига боғлиқ ҳолда, механик таркибини ўзгариши ҳамда гумус миқдори ва физик лой фракциялари миқдори орасидаги корреляцион боғлиқликлар тўғрисидаги маълумотлар келтирилган.

Тошкент ва Мирзачўл воҳаси гидроморф тупроқлари тарқалган геоморфологик районлар, тупроқ ҳосил қилувчи она жинси, дарё террасалари ва суғориш даврийлигига боғлиқ ҳолда, механик таркиби турлича бўлиб, юқори қатламларида физик лой миқдори (33,0–43,9%) ўрта қумоқли, оғир қумоқли (46,3–53,3%) ва асосан ўрта қумоқли (30,8–42,8%) бўлиб, қуйи қатламлари енгил қумоқли (19,5–24,2%; 20,0–29,5%), қумлоқ–қумли (9,1–18,7%) бўлиб, буни юқори қатламларда физик лой миқдори, пастки қатламларда йирик чанг миқдорининг ортганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Гумус миқдори билан тупроқни механик таркиби фракцияларининг боғлиқлиги бўйича ўтказилган статистик таҳлилларда кучли бўлган боғлиқлик ил ва физик лой миқдорида кузатилди. Тошкент воҳаси тупроқларида гумус миқдори ва физик лой орасидаги корреляция коэффицентлари $r = 0,676$ дан $r = 0,756$ бўлиб, боғланиш ўртача ва кучли, ил

миқдори орасидаги боғлиқликка нисбатан физик лой орасидаги боғланишлар юқори эканлиги аниқланди. Ушбу боғланишлар тупроқ типлари бўйича ўзгаришига кўра, ил миқдори орасидаги боғлиқликлар тўқай аллювиал >ўтлоқи–ботқоқ >ботқоқ–ўтлоқи >ўтлоқи аллювиал томон кўрсаткичлари камайган ҳолда эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар томон кўтарилган, физик лой бўйича деярли бир хилда тақсимланган (1–расм).



1–расм. Гидроморф тупроқларда механик таркиби (ил ва физик лой) фракцияларини гумус миқдори билан корреляцион боғлиқлигини тупроқ типчалари бўйича ўзгариши, г.

Мирзачўл воҳаси гидроморф тупроқларида гумус миқдорини физик лой билан боғлиқлик коэффицентлари суғориш даврига боғлиқ ҳолда, янгидан суғориладиган ўтлоқи–ботқоқ >ўтлоқи >эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар томон камайиб боради, аксинча ил миқдори орасидаги кўрсаткичлари тескари: суғориладиган ўтлоқи–ботқоқ < янгидан суғориладиган ўтлоқи < эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқлар томон ортиб боради. Буни тупроқларни суғориш даврийлиги, вақт ўтиши билан уларнинг генетик қатламларида ил фракцияларининг йиғилиши ва унинг таркибида гумин кислоталари миқдорининг ортиб бориши билан изоҳланади.

Тупроқлар механик фракциялари таркибини гумус аккумуляциясидаги аҳамияти шундан иборатки, органик моддалар миқдорига мос ҳолда механик фракциялар таркиби миқдори тупроқ типчалари бўйича ўзгариши Ташкент ва Мирзачўл воҳаси гидроморф тупроқларда олиб борилган изланиш натижаларида ўз исботини топди.

Бобнинг «Тупроқларнинг умумий физик хоссалари ва уларни тупроқ унумдорлигидаги аҳамияти» бўлимида гидроморф тупроқларини ҳажм ва солиштира оғирлиги, умумий ғоваклигига доир изланишлар натижалари келтирилган.

Ташкент ва Мирзачўл воҳаси тупроқларининг солиштира оғирлигини қуйи қатламида бир–бирига яқинлашуви ушбу воҳалар тупроқларининг генезиси, эволюцияси бўйича ўзаро яқинлигидан далолат беради. Ўрганилган тупроқларнинг ҳажм оғирлиги юқори қатламларда (1,21–1,48 г/см³) бўлиб, кам, ўртача, кучли зичлашган ва қуйи қатламлари (1,20–1,38 г/см³) кам ва ўртача зичлашган. Тупроқларда кучли зичланиш (1,41–1,48 г/см³) ҳайдов остки қатламларида кузатилди. Тупроқларни умумий ғоваклиги 44–55% бўлиб, баҳолаш даражаси бўйича ўртача, яхши ва юқори ҳисобланади. Энг паст умумий ғоваклик барча тупроқлар профилининг ўрта ва қуйи қисмига

тўғри келади. Сабаби, бизнингча, суғоришни давомийлиги, ички нураш ҳамда гидроморф режим шароитида оксидланиш–қайтарилиш жараёни тез–тез такрорланиб туриши билан изоҳланади.

Бобнинг «*Тупроқларнинг мелиоратив ҳолати ва уни унумдорликдаги ўрни*» бўлимида воҳалар гидроморф тупроқларининг шўрланиш даражаларини ҳозирги ҳолатига доир маълумотлари асосида унумдорликдаги ўрни таҳлили келтирилган. Тошкент воҳаси гидроморф тупроқлари асосан шўрланмаган, куруқ қолдиқ (0,195–0,280%) бўлиб, баъзи геоморфологик районларда Бўка тумани ва Юқори Чирчиқ тумани тадқиқот массивларида кучсиз шўрланган (0,350–0,540%) тупроқлар учрайди. Воҳа тупроқлари шўрланиш типига кўра сульфатли ва хлорид-сульфатли эканлиги аниқланди. Мирзачўл воҳасини Жиззах вилояти тупроқларида тупроқ айирмасига мос ҳолда, улар шўрланмаган (0,137–0,275%), кучсиз ва ўртача шўрланган (0,325–1,370%). Сирдарё вилояти тупроқларида бу жараён кучли, ўртача ва кучсиз (0,340–2,435%) бораётганлиги кузатилди. Ушбу жараённинг ҳозирги ҳолатини эътиборга олиб, суғориш ва агро-мелиоратив тадбирларни, иккиламчи шўрланишни олдини олишга доир агротехнологияларни қўллаб бориш, бунинг ечими ҳисобланади.

Диссертациянинг «**Тадқиқот ҳудуди тупроқларининг кимёвий, физик–кимёвий хоссалари, гумусли ҳолати**» деб номланган тўртинчи бобида гидроморф тупроқларнинг кимёвий хоссалари, сингдириш сифими ва сингдирилган катионлар таркиби, тупроқлар гумусининг фракцияли-гуруҳий таркиби, гумусли ҳолати ва унумдорлигидаги аҳамияти, гумус миқдори ва захирасини деҳқончиликда ўзгариши, тупроқларнинг гумус типини ва захираси картограммаси бўйича олинган натижалар асосида илмий ва амалий аҳамиятга эга янги маълумотлар келтирилган.

Бобнинг «*Тупроқларнинг кимёвий, агрокимёвий хоссалари*» бўлимида ўрганилган гидроморф тупроқлар таркибидаги гумус ва умумий озика элементлари миқдорига доир изланишлар натижалари келтирилган.

Тошкент воҳаси гидроморф тупроқлари таркибида гумус ҳамда озика элементлар миқдорлари тупроқ айирмалари ҳамда суғориш давомийлигига мос ҳолда ўзгариши кузатилди. Бунда тупроқларни ҳайдов ва ҳайдов остки қатламларида гумус миқдори 1,234–2,800% оралиғида тебраниб, юқори ва ўртача даражада, пастки қатламлари 0,562–1,127%, ўртача ва паст даражада бўлиб, энг юқори кўрсаткичлар суғориладиган ботқоқ–ўтлоқи ва эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқлар хиссасига тўғри келади. Тупроқлар профили бўйича умумий азот, фосфор, калий миқдорлари мос равишда 0,031–0,145%, 0,150–0,420%, 0,661–1,411 фоизни ташкил этади. Гумус миқдорига мос ҳолда C:N нисбати тупроқлар профили бўйича 4,7–11,2 бўлиб, жуда юқори, юқори ва ўртачадан юқори даражада азот билан таъминланган. Энг юқори кўрсаткичлар (4,8–5,7) эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларида кузатилди. Мирзачўл воҳаси гидроморф тупроқларида гумус ва озика моддалари миқдорий кўрсаткичлари Тошкент воҳасидаги шундай геоморфологик районлари бўйича олинган


маълумотларига яқин, айрим қатламларда бироз камайганлиги кузатилади.

Бобнинг «Сингдириш сиғими ва сингдирилган катионлар таркиби, уларни тупроқ унумдорлигидаги аҳамияти» бўлимида гидроморф тупроқларнинг сингдирилган катионлар таркиби аниқланиб, унда гумус миқдори билан сингдириш сиғими орасидаги корреляцион боғлиқликлар тупроқ тип ва типчалари бўйича ўзгаришлари келтирилган.

Тошкент воҳаси гидроморф режимдаги тупроқлари асослар билан 91,5–98,5% тўйинган бўлиб, сингдирилган кальцийни улуши магнийдан тупроқ айирмаларига боғлиқ ҳолда 1,2–1,5 дан 1,9–2,5 бараварга юқори, сингдирилган натрий сингдириш сиғимини 1,5–2,6 фоиздан 3,6–4,9 фоизини ташкил этади ва тупроқлар шўртобланмаган ҳисобланади.

Мирзачўл воҳаси гидроморф тупроқларининг катионларни сингдириш қобилияти паст ва ўртача (7,82–13,84 мг–экв) бўлиб, уларда сингдирилган катионлардан натрий ва магний улуши юқорилиги билан бир–биридан фарқланади. Бу фарқланишда тупроқларда асосий салбий ҳолатлардан натрий миқдори (5,3–9,8%) бўлиб, кучсиз шўртобланиш жараёнлари содир бўлаётгани кузатилади.

Тошкент воҳасида гумус миқдори ва сингдириш сиғими орасидаги корреляция коэффиценти миқдорларининг тупроқлар тип ва типчалари бўйича ўзгариши таққослаганда, гумусли қатлам ва генетик қатламларда тўқай ўтлоқи–аллювиал ва ботқоқ–ўтлоқи тупроқларда кучли ($r=0,738–0,790$), суғориш даврийлиги турлича бўлган ўтлоқи аллювиал тупроқларда ўртача ($r=0,520–0,625$) бўлиб, боғланиш пасайиб, эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларда ҳар иккала гумусли ва генетик қатламлар бўйича ортиб бориши кузатилади (2–расм).



2–расм. Гидроморф тупроқларда гумус миқдори ва сингдириш сиғими орасидаги корреляция коэффиценти миқдорларининг тупроқлар тип ва типчаси бўйича ўзгариши, r.


Мирзачўл воҳаси янгидан суғориладиган ўтлоқи–ботқоқ тупроқларида корреляция даражаси кучли ($r=0,857$ ва $r=0,972$) бўлиб, эскидан суғориладиган ўтлоқи тупроқларда ўртача ва кучли ($r=0,506$ ва $r=0,988$), янгидан суғориладиган ўтлоқи тупроқларда ўртача ва кучли ($r=0,693–0,863$ ва $r=0,569–0,895$) даражада боғланган (2–расм).

Тупроқ айирмалари бўйича генетик қатлам ва гумусли қатламлардаги гумус ва сингдириш сиғими ўртасидаги боғланиш коэффиценти кўрсаткичлари кетма–кетлигига кўра, гумусли қатламда янгидан суғориладиган ўтлоқи < ўтлоқи–ботқоқ < эскидан суғориладиган ўтлоқи

тупроқлар томон боғланиш даражалари юқорилаб бориши кузатилади.

Бобнинг «Ўрганилган тупроқлар гумусининг фракцияли-гуруҳий таркиби» бўлимида гидроморф тупроқларни органик моддасини гуруҳий ва фракциявий таркибида гумус кислоталарини ҳаракатчан (лабил) шакллари аниқланиб, унинг унумдорликдаги аҳамияти ёритиб берилган.

Тошкент вилояти Чирчиқ, Қорасув дарёси I–II террасалари тошшағалли, аллювиал ва аллювиал–пролювиал ётқизикларда шаклланган, суғориладиган ботқоқ–ўтлоқи ва эскидан суғориладиган ўтлоқи аллювиал тупроқларнинг гумус моддасини фракциявий таркибига кўра, 2–фракция кальций билан боғланган гумин ва фульвокислоталари устунлик қилиб, 10,4–22,3% ва 6,4–15,9% фоизини ташкил этади. Гумин кислотасининг 1–фракцияси 2,0–4,1 %, 3–фракцияси ботқоқ–ўтлоқи тупроқларда юқори 6,0–7,9% оралиғида, ўтлоқи тупроқларда 5,9–6,7% бўлиб, гумин кислоталарининг кальций билан боғланган 2–фракцияси минерал қисми билан мустаҳкам боғланган 3–фракциясидан 1,8–2,5 баробар кўплиги аниқланди. Фульвокислоталар гуруҳидаги 3–фракция улуши устунлик қилиб, ботқоқ–ўтлоқи тупроқларда 10,2–14,7%, ўтлоқи аллювиал тупроқларда юқоридан пастга томон 9,4–25,1 % гача ортиб боради (3–расм).




3–расм. Тошкент воҳаси гидроморф тупроқлари гумусининг фракцияли-гуруҳий ва таркиби, %.

Мирзачўл воҳаси турли геоморфологик районлар тупроқларида гумус миқдорини генетик қатламлар бўйича тақсимланишига боғлиқ ҳолда гумин ва фульвокислоталарнинг 2–фракцияси устунлик қилиб, гидролизланадиган гумус кислоталари 46,8–75,8 фоизини ташкил қилади, уларда Сгк:Сфк нисбати ҳайдов қатламларда 1,1 ва пастки қатламларда 0,5–0,9 бўлиб, тупроқлар фульватли–гуматли, гуматли–фульватли, фульватли, баъзан жуда фульватли типга мансублиги аниқланди. Ўрганилган тупроқларда юқоридаги кўрсаткичларга мос ҳолда, гумин моддалари гидролизланган гумус кислоталаридан асосан 1,3–2,5 баробар кам, айрим қатламларда яқин эканлиги аниқланди.

Бобнинг «Тупроқларнинг гумусли ҳолати ва унинг унумдорликдаги аҳамияти» бўлимида ўрганилган тупроқларнинг гумусли ҳолати кўрсаткичлари асосида гумус моддаларини тупроқ унумдорлигидаги аҳамияти ёритилган.

Тошкент воҳаси типик бўз тупроқлар минтақаси суғориладиган ботқоқ–ўтлоқи ва ўтлоқи аллювиал тупроқларида гумус миқдorigа мос ҳолда, ҳайдов

қатламида гумус захираси юқори (69,23–109,82 т/га) ва ўртачадан юқори (78,15–66,65 т/га), шу тупроқларни дастлабки метрида юқори (217,37 т/га), ўртача (111,67 т/га) ва юқори (178,19–176,31 т/га) бўлган. Органик модданинг гумификация даражаси тупроқ тип ва типчалари бўйича фарқланган ҳолда, типик бўз тупроқлар минтақаси тупроқларида гумификация даражаси ўртача (20,44–29,09%), юқори (31,03%) ва кучсиз (17,72%) бўлиб, гумус типи тупроқларнинг ҳайдов қатламларида фульватли–гуматли (Сгк:Сфк 1,1–1,2) типга мансуб. Эркин гумин кислоталар улуши тупроқ тип ва типчаларида ўта паст, жуда паст (8,5–12,4%), агрессив фульвокислоталар улуши ўртача (5,7–10,8 %), кальций билан боғланган Гк улуши юқори, ўртача (67,2–41,2 %) ва юқори, жуда юқори (78,9–81,4%); минерал қисми билан боғланган Гк улуши юқори, жуда юқори (23,9–46,4%) ва ўртача (10,8–10,1%) даражадалиги аниқланди (4–расм).




4–расм. Гидроморф тупроқларининг гумусли ҳолати

Мирзачўл воҳаси гидроморф тупроқларининг гумусли ҳолати кўрсаткичлари қуйидагича: суғориладиган ўтлоқи–ботқоқ ва ўтлоқи тупроқларнинг ҳайдов қатламида гумус миқдори 0,93–1,41%, ўртача ва кам, шунга мос ҳолда захираси 36,08–56,42 т/га бўлиб, кам ва ўртача, 1 метрли қатламда 79,73–127,47 т/га, кам ва ўртача, ўртачадан юқори; гумификация даражаси ўта юқори ва жуда юқори (40,09–59,0%); гумус типи бўйича ҳайдов қатламида ҳар иккала тупроқларда фульватли–гуматли (Сгк:Сфк– 1,1–1,2), дастлабки метрида фульватли (0,6) ва гуматли–фульватли (0,8), жуда фульватли (0,3) типга мансуб. Эркин гумин кислоталар улуши жуда паст (11,55–15,93%), агрессив фульвокислоталар улуши жуда юқори (26,02–26,46%), кальций билан боғланган Гк улуши ўртача ва юқори (54,32–67,58%) даражада, минерал қисми билан мустаҳкам боғланган Гк юқори ва ўртача (17,55–29,75%) даражадалиги аниқланди. Юқори кўрсаткичлар ўтлоқи–ботқоқ тупроқларга нисбатан ўтлоқи тупроқларда кузатилди.

Бобнинг «Тадқиқ этилган тупроқларнинг гумус миқдори ва захираси, уларни деҳқончиликда ўзгариши» бўлимида гидроморф тупроқларни гумус миқдори ва захираси аниқланган ва буни аввалги йиллардаги тадқиқот натижалари билан таққослаб, тупроқлар тип, типчалари бўйича уларни ўзгариши кўрсатиб берилган.


Тошкент воҳаси гидроморф тупроқларида гумус миқдорига мос ҳолда, тўқай ўтлоқи–аллювиал тупроқларининг гумус захираси таснифга кўра, 0–30 ва 0–100 сантиметрли ҳар иккала қатламлар юқори (87,85–81,20 т/га ва 186,68 т/га) кўрсаткичда эканлиги кузатилди (5–расм).

